

ЛЕНИНЧА ДЎСТЛИГИМИЗ ТАНТАНАСИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 70 (3552).

8

апрель

ШАНБА

1967 йил

Баҳоси 2 тийин.

Тошкентда Москва кунлари совет халқлари дўстлиги, биродарлиги ва қардошлигининг ёрқин намойишига айланди. Абадий дўстлигимиз ҳамisha яшнайверсин ва мустақамланаверсин.

ЎЗБЕК САЛОМИ СЕНГА, ЖОНАЖОН МОСКВА!



Суратда: Санъат саройида Москва кунларига бағишланган митинг.

Москва биз билан! Бу сўзлар Ўзбекистон меҳнатчиларининг калбида ҳамisha сақланиб келмоқда. Ўзбекистон республикаси, ўз тараққийнинг ҳамма босқичларида халқлар ленинча дўстлигининг байроғини баёнда кўтарган Улуғ Ватанимиз пойтахтининг қардошлари бегараз ердамини ҳис қилиб келди. Қаттиқ синувлар чоғида ҳам, шонли ғалабалар билан ҳам Москва биз билан бирга бўлди. Москва биз билан бирга бўлди, электр станциялар чирогини ёқди, биринчи индустриал гигантларнинг моторларини ишга тушirdи, пахтанинг мул ҳосили учун курашди. Зилзила офати жонажон шаҳримизга оғир жароҳатлар етказган вақтда «Москва биз билан» деган сўзлар тошкентликлар кучига куч қўшди. Мана энди Москва ақойиб қалб қардошнинг остафасини, — Совет ҳокимиятининг юбилей йилда Ўзбекистонни ишонилган республикалар кунларини ҳақиқат равишда бошлаб бермоқда.

Бу қувончли байрам тўрт кундан бери давом этмоқда. 7 апрелда Санъат саройи шу байрамнинг марказига айланди. Шаҳардаги санъат корхоналари ва муассасалари коллективларининг вакиллари, совет ва жамоат таъкилотларининг раҳбарлари улуғ ватанимиз пойтахти Москва вакиллари билан учрашмоқ учун ерга тўланганди. Янги, гузал шаҳарни бунёд қилган тошкентликларнинг ақли сифатларига қўйилган москваликларнинг ҳам бу залда қўйлаб уйратилиши мумкин.

КПСС Марказий Комитети Сиесий Бюроси аъзосидаги кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, Н. Г. Лисиченко, Н. М. Матюков, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюро аъзосидаги кандидат М. Т. Гуреев, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азиев президиумда учиршибди. Москва шаҳар партия комитетининг секретари А. М. Калашников, Москва шаҳар иқроия комитети раисининг ўринбосари Н. Т. Сизов ҳамда Со-

вет Иттифоқи пойтахти меҳнаткашлари делегациясининг бошқа аъзолари ҳам улар билан бирга учиршибди.

Тантанали йиғилишнинг Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окуевский олдиди.

Москва кунларини ўтказиш тўғрисидаги хабарини, — деди В. В. Окуевский, — Тошкент меҳнаткашлари нийҳат даражада хурсандчили билан кутиб олдилар. Бу кунлар бундизмас дўстлигимизнинг мустақам қардошлигимизнинг чинакам байрами бўлиб қолди. Тошкентликлар Москва вакиллари билан муҳаббат билан табрикламоқдалар. Тошкент корхоналари ва кўлишларининг ишчилари, ўзбек айтилларининг намондалари, адабиёт ва санъат арбоблари, янги турар жой районларининг аҳолиси, студентларимиз москваликлар билан ўтазишган учрашуларда фахрлини, қувонч, чуқур ҳурмат хисларини ифодалаб айтган сўзлар — мана шу хисларнинг ҳақиқатси билини азия меҳмонларимизга уларини рақиб қилиб юборган жаҳондаги, энг буюк шаҳарга тааллуқлидир.

Ўртоқ Окуевский ватанимиз пойтахти Москвага бағишланган тантанали кечани очиб деб эълон қилди. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнлари янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сиесий Бюросининг аъзосидаги кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилди.

— Азия ўртоқлари! Азия дўстлари! — деди у, — бугун биз Тошкентда ўтказилаётган «Москва кунларини» тантанали байрам қилимиз учун шу саройга тўпландик. Москва кунлари республикамиз пойтахтининг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётига катта қосади. Бу кунлар москваликлар билан тошкентликларнинг қардошларча дўстлигини, рус, ўзбек ва барча совет халқлари дўстлигини ривожлантириш ва мустақамлаш тарихига ёрқин саҳифалардан бири бўлиб қиради.

«Москва кунлари»нинг алоҳида аҳамиятини кўрсатувчи кўпгина сатаётган катта ёрдам учун уларга самимий миннатдорчилик изҳор этди.

А. М. Калашников Тошкентда Москва кунлари ўтказилаётганлиги учун, делегация самими ва хушудлиги билан кутиб олинганлиги учун делегация аъзолари номидан қизгин ташаккур билдирди.

Сўхбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, Н. М. Матюков, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азиев, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окуевский қатнашдилар.

(ЎЗАТАГ).

белгилар бор. Бу кунлар Улуғ Октябрьнинг 50 йиллиги арафасида ўтказилаётганлиги ва бугун совет мамлакати юбилей меҳнат вахтасида туриб ишлаётганлиги ҳам, шу кунларда Тошкентда барча қардош республикаларнинг вакиллари москваликлар билан бир сафда туриб шаҳримизга алоҳида етказган оғир жароҳатларини тўзатишда уларнинг қарамонана меҳнатлари билан ёрдам бераётганликлари ҳам ҳозир баҳор бошланган келатганлиги — табиятни янгилайдиган, биринчи гуллар ишнайдиغان ва майсозор бўлиб ҳаммаёқ ўзкартадиган, одамларнинг эзгу хислари тўла равишда намоён бўладиган муъжизали пайт бошланиб келатганлиги ҳам мана шу кунларнинг аҳамиятини ошираётган жиҳатлардир.

Халқимизда эзгу хислар аса кечис ва беопен денгиз наби. Билингиз бугунги учрашувимиз мана шу денгизни тўқийлаётганлиги турибди. Биз сизларга ўз қучогимизда омондамыз. Сизларни ўз бағримизга омондамыз ва чин қўйилган сизларга қизгин табрик сўзларини айтмоқдамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, тошкентликлар ва республиканинг барча меҳнаткашлари номидан сиз азия ва муҳтарам меҳмонларга самимий саломларимизни, тошкентликларимиздан гўят мамнудимиз.

Москва делегациясининг ҳамма аъзоларини Москва шаҳар партия комитетининг секретари Алексей Максимович Калашниковни, Москва шаҳар иқроия комитети раисининг ўринбосари Николай Трофимович Сизовни, Москва шаҳар Жданов район партия комитетининг биринчи секретари Николай

Васильевич Ермаковни, «Главмосстрой» бошлиғи Николай Евгеньевич Пашенковни, Москва заводининг слесари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сергей Семёнович Миниевни, Станиславский номиданги Москва театрининг артисти, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Нина Сергеевна Исаковани, Бутуниттifoқ металлургия машиносозлиги санъати илмий тадқиқот институтининг директори, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Александр Иванович Целиковни, Москва поликлиникасининг устаси ва врач, РСФСРда хизмат кўрсатган врач Антонина Александровна Зайцевани, «Главмосстрой» Тошкентдаги қурилишлари бошқармаси комплекс бригадасининг раҳбари Иван Григорьевич Маркошкинни, Ўзбекистон соҳна Москва бўлими, Комсомол комитетининг секретари шора Нина Кошкееванни, «Моспроект» бошқармасининг бошлиғи Александр Григорьевич Роговни, Москва шаҳар партия комитетининг масъуладохими Александр Сергеевич Богатковни Ўзбекистоннинг серкўйи ерда қизгин табриклаймиз.

Ватанимиз пойтахти талантли санъат арбоблари Москва делегацияси билан бирга Тошкентга келишди. Биз уларни чин қўйилган табриклаймиз.

Сиз азия меҳмонлар орқали Москанинг барча шонли меҳнатчиларини чин қўйилган табриклаймиз. Москва шаҳар партия комитетини, Москва шаҳар Совети иқроия комитетига, барча москваликларга бизга доимий диққат ва эътибор бериб келатганликлари учун, саҳийларча ёрдам ва мададлари учун чуқур миннатдорчилигимизни тошкентликларининг илтимос қиламиз. Москваликларга энг яхши истакларимизни йўлаймиз.

Москва — қаҳрамон шаҳар, захматкаш шаҳар, бунёдкор шаҳар, анойиб мардлик ва буюклим бардамлик шаҳри. Ўзбекистон Москва билан марғабат хонавайрон қилди.

Москва неча мартабала ёнгиларда қолдиб кўл бўлди, лекин ҳар сафар ўз қаддини ростлаб олиб, тагин ҳам бақувват ва улғувор бўлиб ўсиб ривожланаверди.

Эндилкида Москва — социалистик индустриянинг улкан мар-

казидир. Илгари вақтларда унинг «чит» шаҳри деб атанар эди. Эндилкида у, аввало машинасозлик шаҳри бўлиб қолди. Москванинг вужудига енгилб кетган янги заводлар шу қадар улканки, бу заводларнинг ҳар қайсиси янги, катта шаҳарга негиз бўла олади.

Москва заводлари ишлаб чиқараётган энг яхши автомобиллар ва программа асосида бошқариладиган станоклар, гитант лайнерлар ва хилма-хил шарикоподшипниклар, энг нозик автомат элктр асбоблар ва чала ўтказгичлар, мураккаб химикатлар ва энг янги пластмасса буюмлари бутун мамлакатимизда ва чет элларда кенг қўйилди. Шу билан Москва халқининг бевосита аҳтиёкларини қоплайдиган нарсаларини — кийим-кечак, пойабзал, дори-дармонлар, кондитер буюмларини, китоблар, кинофильмларини бошқа ҳар қандай шаҳарга қараганда кўпроқ тайёрлаб бермоқда.

Ленин ган Москва шу нарсаларни кўпроқ бераётганлигида омас. Мана бу ишчилар синфининг мамлакатда биринчи марта В. И. Ленин ишторида коммунист шанбаланин ўтказганлиги билан ҳақиқ равишда фахрлана олади. Коммунистик меҳнат ҳаракати байроғини, миллион-миллион кишилар давом эттираётган мана шу ҳаранат байроғини ҳам Москва кўтариб чиқди. Москваликлар Октябрь олди социалистик мусобақасининг ҳам ташаббусчини бўлидилар. Улар юбилей вахтасида туриб ишлаб, санъат ишлаб чиқаришини ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, план тошпиринларини бир ярим баравар ошириб бажариш мажбуриятини олдилар. Москваликларнинг ташаббуси бизнинг республикамизда ҳам қизгин қувватланди. Барча совет халқлари билан Москва, Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрь 50 йиллигини мубноси кутиб олишга тайёрланмоқдалар.

Москва — чуқур илмий фикрлар макони, илғор маданият ва улкан санъат шаҳри. Атоқли олимлар ва ёзувчилар, қошиқторлар ва сураткашлар, меъморлар ва ҳайкалтошлар, театр ва кино арбоблари Москвада ижод қилиб келдилар ва ижод қилмоқдалар, уларнинг номлари асрлар бўйи сақланиб қолади. Москвада беназир санъат устасларининг бутун бир туркуми ўсиб етишди, улар ўз талантлари билан ҳаммага манзув бўлидилар.

Москва — марксизм-ленинизм назариясининг ва пролетар революциясининг маркази. Партияимизнинг юрғи — унинг Сиесий Бюро бошчилигидаги Марказий Комитети Москвада турибди. Совет ҳукумати ана шу Москвада ишламоқда. Улуғ юришнинг планларини Москанинг ўзи чизиб бермоқда ва бу планларни амалга оширишни ташкил этмоқда. Ҳозир барча совет кишилари Москвада КПСС XXIII съезди белгилаб берган планлар билан ишмоқда ва ишламоқдалар.

Москва — янги даврнинг байроқдори, тараққийётган жаҳоншумул маркази, тинчлик, халқлар оозлиги ва мустақиллигининг таъинидир. Марксизм-ленинизм буюк тоғлари тантанаси учун курашнинг жарчисидир. Бутун ер юзида

ги ҳолис ният кишилари Москвага, Кремль қолдуларига ҳамisha умид қузи билан қарамоқдалар. Бу қолдуларнинг ёқут қирралари сира сўнмай ёниб турибди ва ўзининг ўчмас нури билан исониятнинг порлоқ келажига олиб боруви йўлини ёритиб турибди.

Москва — совет халқлари дўстлигининг қалъаси, уларни битта қардош оида қилиб янгилаштирувчи марказ. Халқлар дўстлиги энгилмас кучимизнинг маиба, ҳамма ғалабаларимизнинг гаровидир.

Халқлар дўстлигининг буюк ҳаётбахш кучини Тошкент айниқса ўз таърибасида жула ахши ҳис қилди. Халқлар дўстлигининг кучи бу ерда айниқса тўла ва равшан намоён бўлмоқда.

Шаҳримиз бошига қуфат тушиши биланқо беопен ватанимизнинг ҳамма бурчакларидан унга қардошли ёрдам дарвор кела бошлади. Тошкентга биринчилар қаторида Москва ёрдамга келди. Москваликлар ўз кучлари, ўз маблаглари ва ўз материаллари билан Тошкентда 230 минг квадрат метр уй-жой маибаи ва шунга яраша маданий-маишый объектлар қозилеки қуришга киришдилар.

Энди биз зўр мамнуният билан шунини қайд қилмоқдамизки, москваликлар берган сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Ҳозир Тошкентда «Главмосстрой»нинг тўрт мингдан кўпроқ бинокорлари меҳнат қилмоқда. Улар қисқа муддат ичда Чилонзордаги 26-квартални қуриб бердилар. 1966 йилда азия ҳаммаси бўлиб 35 минг квадрат метрлик кўпроқ уй-жойни қуриб фойдаланишга тошпирдилар. Тошкентликлардан бир минг оила москваликлар қуриб берган уйлардан ишнам қвартиралар олиб яшаб турибдилар.

Москва бинокорлари Тошкентда юксак маҳорат намуналарини кўрсатмоқдалар. Теъ, қиройли, ишқиз ва яхши сифатли қилиб қуришни биз улардан ўрганимиз.

Лекин Москанинг Тошкентга ёрдами фақат уй-жой қуриб беришидангина иборат бўлмади. Ўтган йил ёзда Москва ва унинг апрофидидаги пионер лагерлари ва шифохоналар Тошкентнинг 5 мингдан кўпроқ боласини ўз жигарбўшларидек қабул қилиб бид олдиридилар. Тўқиз юздан кўпроқ тошкентлик болалар ҳозир ҳам Москвалдаги энг яхши туртта мактаб-интернатда ўқиб турибди. Москваликлар Тошкентга ёрдам фондига бир неча юз минг сўм пул тўшлаб беришди.

Тошкентликлар мана шундай саҳийлик, чинакам қардошларча берилаётган ёрдам учун москваликларга чин қўйилган «Намга раҳмат!» демоқдалар.

Тошкентнинг бошига тушган мушқул кунларда бизни яқна-елгиз қолдирилган, бизга қардошларча ёрдам қилини узаган москваликларнинг ва барча совет халқларининг ҳамиятини Ўзбек халқи асло унутмайди. Жопаюган партияимиз, Совет ҳукумати, барча қардош халқлар берган ёрдам ва мадад учун уларга чуқур миннатдорчилик хисларини қалбимизда абадий сақлаб қоламиз.

(Давоми учинчи бетда).

МОСКВАЛИКЛАР КОЛХОЗЧИЛАР МЕҲМОНИ



Меҳмонларнинг колхоз боғида бўлиши.

А. Абалян фотолари.

7 апрель эрталабонақ машал «Қизил Ўзбекистон» колхозининг «Салатчи, маданият саройи атрофидан тантанали тус олади. Қарнай-сурнай, ногора навосига колхозчи қиз-йигитларнинг яласига ҳамма мафтун.

Мана оранкиб кутилган дақиқалар ҳам етиб келди. Соат 10 та яқин москвалик азия биродарларимиз машина ва автобуслардан бирин-кетини тушиб келдилар. Хар бир меҳмонга меҳмонлар томонидан тузатилаётган даста-даста гул-чолалар улар қалбни хушуд қилди.

Меҳмонлар районда давлат планларининг бажарилиши, колхозда олиб борилаётган ишлар билан қизиқдилар. Суҳбатни област партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Р. Музахнова бошлаб беради. У, биринчи сўзни Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. Қирғизбоевга беради.

Ўртоқ Н. Қирғизбоев москвалик азия меҳмонларни район ҳаёти билан таништирав экан, районнинг территориял тузилиши, аҳолиси ва экономикаси ҳақида сўзлайди. Сабзавот, картошка ва чорва маҳ-

сулотлари етказиб беришда район олдида турган муҳим вазифалар ҳақида сўзлаб беради.

Сўнгра «Қизил Ўзбекистон» колхозни партия ташкилотининг секретари ўртоқ Абдулла Созтовга сўз берилади: У «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ташкил тошган 1930-йилларидан тортиб, ҳозирги даражага бўлган ривожланиш даврини ҳикоя қилиб бери.

Бу йил беш йиллигининг иккинчи йилдаги режалар жула катта. Бу йил ҳужалик ҳаммаси бўлиб 39 минг тонна маҳсулот етказиб беради. Шунинг асосий қисминин сабзавот ва пахта ташкил этади. Хар меҳнат кунига тушадиган даромад бутуридан кўра кўпроқ мўлжалланмоқда.

Москваликлар «Қизил Ўзбекистон» колхозининг сўт-товар фермасини, интернат-мактабини, маданият саройини ва бошқа диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар. Меҳмонларга ҳаваскорлар иштирокида концерт қўйиб берилди.

Р. УБАЙДУЛЛАЕВ, «Коммунизм тоғи» газетасининг редактори.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиесий Бюроси аъзосидаги кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари А. М. Калашников бошлиқ Москва меҳнаткашлари делегациясини 7 апрелда қабул қилди. Бу делегация Совет давлатининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Москва кунлари байрамида қатнашмоқ учун Тошкентга келган эди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда Ш. Р. Рашидов Москва вакиллари Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг тараққиети билан таништирди. У, Москва меҳнаткашлари янги Тошкентни бунёд этишда кўр-

